

МИЛЛИЙ КУРАШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Joniyeva Jasmina Shorasul qizi

Iqtisodiyot va pedagogika universiteti

Jismoniy madaniyat yo'nalishi talabasi

Ilmiy rahbar: Yo'ldosheva Madhiya Bekmurod qizi

Jismoniy madaniyat va sport kafedrasи o'qituvchisi

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда жадал суратлар билан ривожланиб бораётган миллий кураш спорт машғулотларини ташкил қилишда фойдаланилаётган педагогик технологиянинг мазмун моҳияти ҳамда унинг самарадорлиги кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: кураш, технология, принцип, илмийлик, рейтинг тизими, педагогик жараён.

Жамоадаги ягона педагогик жараён ва мураббий билан ўтказиладиган индивидуал дарс миллий кураш бўйича машғулотлар жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклидир. Миллий кураш дарс жараёнини педагогик технология усулида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Педагогик технология усули тизимли технологик ёндашувларга асосланади. Система (тизим) юонча сўз бўлиб яхлит бир тузилма, қисмлардан тузилган, бириккан маъносини англатади. Миллий кураш дарси – бир бутун ҳаракатланувчи яхлит ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб қуидагича ифодаланади.

Миллий кураш дарсида педагогик технологиянинг моҳияти шундан иборатки, у биринчидан, таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва сўнгра аудиторияда курашчилар билан бирга лойиҳани қайта ишлаб чиқиши назарда тутади. Бу масалани “Дидактик вазифа”, “Таълим технологияси” тушунчаларини қўллаш билан ҳам ҳал этиш мумкин.

Иккинчидан, анъанавий педагогикада услубий ишланмалар ўқитувчи дарс ўтиши учун тузилса, педагогик технология курашчини ўқув билиш фаолиятининг шакллари ва мазмунини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини ишлаб чиқиши таклиф этади.

Учинчидан, педагогик технологиянинг муҳим белгиси – мақсад ҳосил қилиш жараёнидир. Педагогик технологияда педагогик мақсадни аниқлаш асосий муаммо бўлиб, мақсадни диагностик ифодалаш, билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш назарда тутилади. Яхлитлик принципи, шунингдек, таълиимнинг ҳар бир тури бўйича бўлажак педагогик тизимнинг барча

элементлари (чорак, семестр, ўқув йили давомида ҳам, шунингдек таълим даврида ҳам) ўзаро таъсирда бўлишига эришиш зарур.

Педагогик тизимнинг бир элементи, масалан мақсади ўзгарса унинг бошқа қисмлари (мазмуни, шакллари, жараёнлари) ҳам ўзгаради.

Педагогик технология тизими, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти, ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуидир.

Хуллас, педагогик технология - миллий кураш усули, маълум маънода машғулот жараёнлари, воситалари, шакл ва методлари мажмуи. Ўқув материалларини танлаш, қайта ишлаб курашчилар кучига, ўзлаштириш хусусиятларига мослаб шакли, ҳажмини ўзгартириш ҳам педагогик технологияга дахлдор. Педагогик технология – миллий кураш машғулотларининг объектив қонуниятлари, диагностик мақсадлари асосида ўқув жараёнлари, миллий кураш машғулотларининг мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиши ва такомиллаштириш тизимиdir.

Педагогик технология назарияси ва амалиёти Миллий кураш дарсларида қўйидаги қонуният ва принципларга асосланади.

- Миллий кураш дарси жараёни тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхлитлиги ва бирлиги;

- Миллий кураш жараёни оптималлаштириш: қулай шароит яратиб, оз вақт, кам куч сарфлаб, юқори натижага эришиш;

- замонавийлик: педагогик амалиётга илмий асосланган дидактик янгиликларни, янги тартиб-қоидаларни жорий этиш, таълим мазмунини узлуксиз янгилашиб, замонавийлаштириб бориш;

- илмийлик: миллий курашда янги шакл ва воситалар, фаол методлар, дидактик материалларни қўллаш, узлуксиз изланиш, тадқиқот ўтказиш;

- курашчи ва мураббий фаолиятини оқилона уюштириш.

Курашчи, кураш мақсадини, мазмунини пухта билиш, кураш усуллари ва воситаларни яхши эгаллаган бўлиши, умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлиги, техник-тактиқ ҳаракатларни мукаммал эгаллаган бўлиши: курашчининг манфаатдорлиги, қизиқиши ва интилувчанлиги:

- миллий кураш машғулотлари жараёнини жадаллаштириш; ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи дидактик материалларни ишлаб чиқиши ва кенг қўллаш;

- миллий кураш машғулотлари жараёни учун зарур моддий-техник базасини яратиш;

- миллий кураш машғулотлари жараёни натижаларини холисона ва объектив баҳолаш: тест усули, рейтинг тизими, курашчининг билим ва кўникма-малакаларини эгаллаш жараёни назорат қилиш, баҳолашни автоматлаштириш;
- миллий кураш машғулотларининг табиатга мослиги;
- миллий кураш машғулотларини жамиятга мослашуви, мусобақаларда юқори натижалар кўрсатиши лозим

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дўсчанов Б. О., Юсупова О. Б. Болаларнинг оилада тўғри овқатланишининг гигиеник асослари. Тошкент-2001.
2. Қурбонов Ш. Қ. Овқатланиш маданияти- Тошкент 2005.
3. Сайдов. Б. М. Спорт тиббиёти- Тошкент 2013.
4. Кер имов. Ф. А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар – Тошкент 2004.